

## ХАЛҚ ТАЪЛИМИ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ТАКЛИФЛАР

### КИРИШ

Гарчи объектив ва субъектив сабабларга кўра тезкор натижа бермаётган бўлсада, бугунги кунда таълим сифатини оширишга жиддий уриниш бўлаётганига ҳаммамиз гувоҳи бўлиб турибмиз. Бу кишини қувонтиради. Менинг педагогика ва ўқитиш методикаси бўйича эмас, мактабда бошқарувни такомиллаштириш бўйича таклиф киритмоқчиман. Зеро, таълим сифати мактаб фаолиятининг тўғри ташкил этилиши ва бошқарилиши билан чамбарчас боғлиқдир. Ўйлайманки, замонавий ўқитиш методларини қўллай олиш учун мактабга замонавий бошқарув керак бўлади. Келинг, таълим соҳаси ходимларига, соҳа мутахассислари ўлароқ, битта қуйидаги саволни бериб кўрайлик : замонавий мактаб ва таълим қандай бўлиши керак? Аксарият жавоблар Японияда унақа, Европада бунақа қабилда бўлади. Аниқ жавоб олиш мушкул. Бу табиий, чунки уларнинг ўзлари ҳам замонавий мактабга қўйилган талабларни тўлиқ билишмайди. Бу жавоблар аниқ параметрларга эмас, тахминий тасаввурларга асосланади. Бунда кимнидир айблаб бўлмайди, чунки бу тўғридан-тўғри бошқарув яъни менежментдаги камчиликдир. Уларга бу стандартларни ўргатишмаган. Қуйида шу ҳақида гапирмоқчиман.

### БИР ХОЛАТ ЮЗАСИДАН СОДДА ТАҲЛИЛ

Мактаблар рейтинги жорий қилиниб ранглар бўйича ажратилгандан сўнг, Самарқанд вилояти раҳбарияти вилоятдаги ОТМларга паст рейтингли мактаблар билан ишлаш ва уларга кўмаклашиш бўйича топшириқ берди. ОТМ ўз зиммасига юклатилган мактабларни ўқитувчилар ўртасида тақсимлади ва ўқитувчилар маълум тартиб асосида шу мактаблар билан ишлаши ва таълим сифатини кўтаришга кўмаклашиши лозимлиги белгиланди. Бу ҳамкорлик ғоясини ёмон деб бўлмайди, аммо мени бир савол ўйлантириб қолди. Шартли равишда, вилоятда 200та шундай мактаб бор деб ўйласак, уларга мос равишда 200та ОТМ ўқитувчиси бириктирилган. Табиий равишда бу 200 кишининг фаолият соҳалари, фикр ва қарашлари, ҳолатни таҳлил эта олиш салоҳияти, қизиқишлари, умуман ҳамма-ҳаммаси турлича. Эҳтимол улар орасида мактаб таълимини яхши тушунмайдиганлари ҳам топилар. Демак мактаблардаги ҳолат бўйича чиқариладиган хулосалар ҳам 200 хил бўлади. Шундай ҳолатда, ҳамкорлик самарали бўладими? Муаммо ечим топиб мактабнинг рейтинги кўтариладими?

Менимча ҳамкорликни бошлашдан аввал паст рейтингли мактабларда аниқ параметрлар бўйича “менежмент аудити” ўтказилиши керак эди. Ҳар бир мактабга етишмаётган жиҳати аниқланиб, мутахассис ташкилотлар воситасида ечим ва ҳамкорлик таклиф этиш фойдалироқ бўлар эди. Лекин, қанақа менежмент аудити? қайси параметрлар бўйича? унақа нарсани ўзи йўқ-ку дейишингиз мумкин. Сиз тўғри ўйлаяпсиз. Албатта йўқ, ҳар ҳолда мактабда йўқ, муаммо ҳам шунда.

### ТАКЛИФЛАР

Замонавий мактаб қандай бўлишини, у қандай бошқарилиши кераклигини билиб олиш аслида у қадар қийин нарса эмас. 2018 йилда ИСО 21001:2018 (*таълим муассасалари учун менежмент тизими*) менежмент халқаро стандарти ишлаб чиқилган. Бу стандарт боғчадан тортиб ОТМгача барча таълим муассасалари учун бошқарув ва сифатни таъминлаш учун аниқ параметрларни белгилаб беради ва ундан бутун дунё йўлқўрсаткич сифатида аллақачон фойдаланишни бошлаган.

Менинг таклифларим:

1. Таълим тизимига шу халқаро стандарт асосида сифат менежментини жорий этиш керак. Ҳамма директорлар, ўқитувчилар, маориф ходимлари шу стандарт параметрларини яхши ўрганиб олишлари ва мактаб бошқарувида имкон қадар уларга амал қилишларини таъминлаш керак. Бу таълим сифатини таъминлаш билан бирга, мактабларда сифатни текшириш ва муаммо нимадалигини аниқлашни осонлаштиради. (*Сифат стандартлари жорий этиш чора-тадбирлари мавжуд қонунчилигимизда ҳам тилга олинган бўлиб, 19.06.2009 йилдаги №173 сонли ВМҚнинг 4 ва 5 бандлари ҳамда 19.10.2015 йилдаги №298 сонли ВМҚнинг 3-илоvasида айтиб ўтилган. Қонунчиликни мукамаллаштириш ва ижросини таъминлаш керак.*)
2. Ҳар бир мактаб ўзининг узоқ муддатли ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиши ва шу стратегияда белгиланган мақсадларга эришиш устида бош қотириши зарур. Сўнгги 10 йилликда минглаб янги мактаблар, коллежлар қурилди, аммо катта қисми аллақачон эскирган, аянчли холда. Чунки мактабларда тараққиёт стратегияси йўқ. Мактаблар ривожланиш концепцияси асосида эмас, сақлаб туриш концепцияси асосида бошқарилади. Ҳар йили мактаб фаолияти қисқа муддатга яъни бир йилга режалаштирилиб, кейинги йил харажатлари сметага мувофиқ молиялаштирилади ва сарфланади. Мактаб раҳбарияти узоқ муддатли стратегик режалаштириш ҳақида бош қотирмайди. Натижа ҳам шунга мувофиқ, ташкилот ривожланишдан орқада, хизмат сифати паст, эскилик даражаси ўта юқори.
3. Таълим тизими раҳбар ходимларини бошқарув амалиёти бўйича малака оширишини ташкил этиш керак. Хусусан мактаб директорлари ўқитувчилар орасидан тайинлангани боис менежмент бўйича таълим олишмаган. Улар айниқса халқаро стандартлар бўйича таълимда сифат менежменти юзасидан тегишли малакага эга бўлишлари шарт.

## **ХУЛОСА ЎРНИДА**

Албатта, мактабдаги таълим сифати кўплаб омилларга боғлиқдир. Шулардан бири мактабда менежерлик сифатларига эга бўлган билимли раҳбарнинг бўлишидир. Чунки кўплаб омилларнинг мактабда хозир бўлишига раҳбар бевосита таъсир этади. Яна бири эса мактабни бошқаришда халқаро стандартларга мувофиқ ишлаб чиқилган аниқ кўрсатмалардир. Улар бошқарувни енгиллаштиради ва мақсадга эришишда маёқ бўлиб хизмат қилади.